



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 6 январь, № 3 (8065)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



2021 йил ҳақида ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази “Ўзбекистон: жамоатчилик фикри — 2021” мавзусида комплекс социологик тадқиқот ўтказди. Унда иштирокчилар мамлакатимизда ўтган йил давомида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ривожланишнинг асосий йўналишлари бўйича қилинган ишларни таҳлил этиш, шунингдек, ўзининг 2021 йилдаги муваффақиятлари билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлди.

Сўров шунинг кўрсатдики, ўтган йил ўзбекистонликлар учун аввалги йилга қараганда муваффақиятли кечган. Фуқароларнинг ҳаёти нормал ҳолга келди, улар коронавирус пандемияси белгилаб берган янги шароитларда яшашни ўрганди, кўпчиликнинг ҳаёти ҳудди аввалгидек изга тушди, баъзиларда ижобий ўзгаришлар рўй берди.



Тадқиқот

Иштирокчилар жамятда ижобий ижтимоий аҳвол ва кайфият устуворлигини давлатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, сиёсий, иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини сақлашга, миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар билан боғлайди.

Таъкидлаш лозимки, тадқиқот натижалари кўрсатганидек, мамлакат Президенти сайлови сўров иштирокчилари учун энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди ва унда фуқаролар сўнгги беш йил ичида мамлакатда юз берган ўзгаришларга ўз муносабатини билдирди.

Фуқароларнинг ижтимоий аҳволи уларнинг шахсий ҳаёти билан бевосита боғлиқ воқеалар — мустаҳкам оилавий муносабатлар, фарзандларнинг ютуқлари, касбий



фаолият ёки бизнесдаги ютуқлар, моддий аҳволи ва фаровонлигининг яхшиланиши ҳам катта таъсир кўрсатди.

Мамлакат раҳбариятининг чуқур ўйланган сиёсати туфайли Ўзбекистон аҳли жипслашиб, барча хавф-хатар ва таҳдидларга қарши турди, эртанги кунга ишонч ҳосил қилди, бутун дунёга ўз келажагини дадил ва мардона курайдиган, мақсадлари сари қатъият билан оқимлайдиган ягона халқ эканлигини исботлади.

Жамоатчилик фикри сўрови натижаларининг таҳлили “Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саноатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлигини тас-

диқлаб турибди. Мамлакат Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар яшаш ҳудуди, ёши, ижтимоий ёки молиявий аҳволдан қатъи назар, ўзбекистонликлар томонидан юксак баҳоланмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда: 73,7 фоиз фуқаро мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳволни ижобий баҳолади. Ўзбекистонликлар фикрича, 2021 йилда тадбиркорлик фаоллигини ошириш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни, ўзини ўзи банд қилиш тузилмасини ривожлантириш, аҳоли орасида камбағалликни кискартириш борасида самарали ишлар амалга оширилди.



Дил сўзи ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ

деганда ҳар бир юртдошимиз хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашни тушунамиз

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида 2022 йилни юртимизда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб номлаш таклиф қилинди. Бу бежиз эмас. Зотан, биз ўтган йилда қандай натижаларга эришган бўлсак, уларнинг барчасининг марказида “Инсон қадрини улуғлаш” деган тамойил устуворлик касб этганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ўтган — Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саноатлигини мустаҳкамлаш йилида пандемия ва глобал инқирозга қарамай, юқори иқтисодий ўсиш таъминланди. Янги корхона, кластер ва технопарк, замонавий инфратузилма тармоқлари иш бошлади. Шуларга мос равишда уй-жой, боғча ва мактаблар, олийгоҳ ҳамда шифохоналар, маданият ва спорт маскан-

лари аҳоли ихтиёрига топширилди. Қолаверса, ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини изчил ривожлантиришга қаратилган эзгу саяё-ҳаракатлар рўёбга чиқарилди.

Агар эътибор қиладиган бўлсак, сал илгари айтиб ўтилганидек, булардан кўзланган асосий мақсад инсон хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, унинг қадрини юксалтириш ётганини англамаслик мумкин эмас. Давлатимиз раҳбари йил номи таклиф этиш орқали бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш истагида эканини маълум қилди, десак, айни ҳақиқатдир.

Маълумки, инсон қадрини деганда, аввало, ҳар бир юртдошимиз хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашни тушунамиз.



ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Қардош Қозоғистонда кечаётган сўнгги воқеалар Ўзбекистонда хавотир билан қабул қилиниб, ушбу мамлакатдаги вазият ривожини диққат билан кузатиб борилмоқда.

Ишончимиз комил, донишманд Қозоғистон халқи мамлакатда беқарорлик авж олишига, зуравонлик ва инсонлар орасида қўрбонлар юзага келишига йўл қўймайликнинг урдасидан чиқади.

Қозоғистон халқи ўзаро ҳамжихатлигини сақлаш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни тиклаш ҳамда юзага келган муаммоларни ўзи мустақил ҳал қилиш учун етарли қатъият ва иродага эгалигига ишонамиз.

Ўзбекистон Қозоғистон халқи ва раҳбариятининг мамлакат барқарорлиги ҳамда равнақи, миллат фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб бораётган саяё-ҳаракатларини чексиз қўллаб-қувватлашни яна бир бор тасдиқлайди.

Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқотда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева парламент юқори палатасининг бугунги кундаги фаолияти, кўмиталар ва комиссиялар иши, амалга оширилаётган парламент назорати ҳақида тўхталар экан, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик бўйича “йўл хариталари” ижроси юзасидан дипломатик миссиялар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб боришига эътибор қаратди.

Йўналишда парламентнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани, Сенатнинг хорижий мамлакат-

Мулоқот

лар парламентлари билан ишлаш самарадорлиги ошгани, ҳамкорлик географияси кенгайгани алоҳида таъкидланди.



КЛАСТЕР ҚИЗИРИҚДА ҚАНДАЙ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРГА ОЛИБ КЕЛДИ?

Таҳлил

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг деярли барча жабҳасида кластер усули жорий қилинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки илм, инновация ва илгор технологияларга асосланган ушбу “занжирли” тизим қишлоқ хўжалиги мисолида ўзини оқлади. Шу боис ишни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришнинг мазкур янги усули кун сайин оммалашмоқда.

...Бундан бир йил олдин Сурхондарё вилоятидаги Қизирик туманида ҳам кластер тизимига ўтиш ҳаракатлари бошланган эди. Очиги, ўшанда қишлоқ

хўжалигига ушбу усулни татбиқ қилишга хайрихоҳлар баробарида, қаршилар ҳам бўлгани рост. Натижада мазкур жараён республикадаги энг шов-шувли воқеликлардан бирига айлангани кечагидек ёдимизда.

Мана, “ҳаш-паш” дегунча, бир мавсум ортда қолиб, қишлоқ хўжалиги йили сарҳисоб қилинмоқда. Бу эса дастлабки ҳулосалар чиқариш учун етарли, назаримизда.

Ҳўш, Қизирикда иш бошлаган “SCT Cluster” пахта-тўқимачилик кластери туман аграр ҳаётида сифат ўзгаришлари ясай олдимиз? Янги усул қанчалик ўзини оқлади?



Ўзбекистон — Хитой: ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Пойтахтимизда Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг Евроосиё масалалари бўйича махсус вакили Ли Хуэй бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга амалий ташрифи доирасида “Икки томонлама ҳамкорлик ва давлат бошқаруви соҳасида тажриба алмашиш” мавзусида симпозиум ташкил этилди.

Хамкорлик

Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда Хитойнинг Тошкентдаги элчихонаси ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Марказий Осиё халқаро институти, ШХТ Халқ дипломатияси маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси вакиллари қатнашди.

Анжуманда дастлаб делегация етакчиси Ўзбекистон — Хитой муносабатининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, қолаверса, Марказий Осиё давлатлари билан манфаатли ҳамкорлик йўналишида олиб борилаётган саяё-ҳаракатлар ҳақида сўз юритди.

Жаноб Ли Хуэй таъкидлашича, юртимизда жуда катта ислохотлар амалга оширилган, барқарор ривожланиш мақсадлари сари интилоқда. Бу сўнгги йилларда мамлакат раҳбари бошчилигида очик, конструктив ва самарадор сиёсат олиб борилаётгани, Ўзбекистон иқтисодиёти жадал сурьатда ўсиб бораётганининг амалий тасдиғи. Келгусида ҳамкорликдаги саяё-ҳаракатлар изчил давом эттирилади.

Шунингдек, тадбирда ХХР ҳукуматининг Евроосиё ишлари бўйича махсус вакили Ўзбекистон — Хитой муносабатлари, турли соҳалардаги амалий шериклик, шунингдек, давлат бошқаруви мавзуси, жумладан, Хитой Коммунистик партияси 19-қачириқ 6-пленуми яқунлари, “Хитой — Марказий Осиё” доирасидаги ҳамкорлик минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан атрафлича маълумот берди. Мамлакатимиз

тегишли давлат идоралари раҳбарлари, етакчи ақл марказлари вакиллари ўзаро муносабатнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири, бу — Хитой. Ўзаро ҳамкорликда турли соҳа ва тармоқларда ўнлаб халқаро аҳамиятга молик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, “Бир макон — бир йўл” ташаббуси доирасида, шунингдек, инфратизимни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар, жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль ва темир йўллари барпо этиш режиси илгари сурилгани шулар жумласидандир.

Анжуман давомида томонларнинг икки мамлакат кенг қўламли ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган муайян ғоя ҳамда таклифлари илгари сурилди.

Ташриф доирасида Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг Евроосиё масалалари бўйича махсус вакили Ли Хуэй бошчилигидаги делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамда “Хитой — Марказий Осиё” мулоқоти доирасида алоқани янада фаоллаштириш истиқболлари муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон ва Хитойнинг минтақавий сиёсат йўналишидаги долзарб масалалар бўйича позицияси яқинлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, томонлар “Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш дастури” доирасида ҳамкорлик қилишга тайёрликларини билдирди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ

Минтақавий платформа муҳим сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда аёллар салоҳиятини ошириш ва улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Учрашувда мамлакатимиз миллий манфаатларини халқаро майдонда ифода қилиш ва рўйбега чиқариш, хусусан, инвестиция киритиш, грант маблағлари

ажратилиш ва халқаро ташкилотлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича парламент дипломатиясининг имкониятлари қайд этилди. Икки томонлама парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларини ташкил этиш кўлами кенгайтирилди ва улар фаолиятини янада ривожлантириш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди. Олий Мажлис Сенатининг хорижий

давлатлар билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлари фаолияти самарадорлигини таъминлашда элчилар ўрни катта. Улар фаолияти савдо-иқтисодий, маданий, илмий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар, илгор технологияларни жалб қилиш, маҳаллий экспортни кенгайтириш каби йўналишларни ҳам қамраб олади.

Дипломатлар хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро учрашувлар чоғида нафақат қонун ижодкорлиги, балки савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар йўналишлардаги алоқаларни мустаҳкамлашда миллий парламентимиз имконияти ва салоҳиятидан фойдаланиш бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Конструктив руҳда ўтган мулоқотда сенаторлар ва элчилар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, парламентлараро муносабатларни мустаҳкамлашга қўмақлашадиган халқаро майдондаги ҳамкорликнинг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқдилар. Мулоқотдан сўнг Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари Сенатнинг янги биноси ва парламент юқори палатаси фаолияти билан танишди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.

АКАДЕМИК САЙДИАХРОЛ ТҲҲТАЕВ

Ўзбекистон илм-фани оғир худудликка учради. Кимё-технология соҳасидаги йirik олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Сайдиахрол Тўхтаев 79 ёшида вафот этди.



С. Тўхтаев 1942 йил 1 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1963 йили Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тугатиб, меҳнат фаолиятини Республика азот саноати давлат институтининг Чирчик филиалида (ҳозирги "Ўзкимёсаноатлойтих" акциядорлик жамияти) муҳандис-технолог сифатида бошлади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё институти аспирантурасида тахсил олди. Дастрлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 60 йиллик илмий педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё институтида катта илмий ходим, лаборатория мудирини, илмий ишлар бўйича директор ўринбосарини, Ўғитлар институтида лаборатория мудирини, бўлим бошлигини, Умумий ва ноорганик кимё институтида лаборатория мудирини, лойиҳа раҳбарини ва бош илмий ходим лавозимларида самарали меҳнат қилиб, юртимизда ноорганик кимё соҳасининг ривожига, шу йўналишда юқори малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

С. Тўхтаев раҳбарлигида ўнлаб фан номзоди ва фан докторлари тайёрланди.

Заҳматқаш олим ноорганик кимё фанининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган юзлаб илмий мақолалар, бир қанча монография, кўплаб ишланма ва патентларнинг муаллифи сифатида мамлакатимиз илмий жамоатчилиги ўртасида ҳурмат-этибор қозонди.

Айниқас, унинг раҳбарлигида суперфосфат, калий сульфат каби минерал ўғитлар тайёрлашнинг илмий асослари ишлаб чиқилгани республикамиз кишлоқ ҳўжалиги ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Академик С. Тўхтаевнинг мамлакатимиз илм-фани ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иxtирочи ва рационализатор" фахрий унвони ва "Шўхрат" медали билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Сайдиахрол Тўхтаевнинг хотирасини қалбларимизда ҳамisha сақлашни қилади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

ЎЗБЕКИСТОН НАВБАТДАГИ НУФУЗЛИ САММИТГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Ўтган 2021 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси учун ҳам ўзига хос сермазмун ва натижалли йил бўлди. Янунланган йилда Қонунчилик палатаси томонидан 42 та яхлит қонун қабул қилинди, 50 дан ортиқ қонунларга қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Энг долзарб масалалар юзасидан 210 та, жумладан, 23 та парламент эшитиувини, 7 та "Ҳукумат соати", 16 та парламент сўрови, қўмиталарнинг 164 та назорат-таҳлил тадбирлари амалга оширилди. Депутатлар кўмагида сайлов округларида муҳим масалалар ўз ечимини топди. Сайловчилар билан ишлашни ва натижадорликни ошириш мақсадида депутат ёрдамчиси институти жорий этилди.

Сарҳисоб

Парламентимизнинг хорижий давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, шу орқали мамлакатимиз ташқи сийосатига оид муҳим вазифаларни ечишдаги иштироки ва ўрни янада мустаҳкамланди. Олий Мажлисининг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлари ва комиссияларнинг ишларини фаоллаштириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш чораларининг қўрилиши натижа-сида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолияти кескин жонланди.

Бугунги кунда парламент дипломатияси мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиш, миллий қонунчиликни халқаро ҳамкорлик талаб-тамойиллари билан уйғунлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

лангани парламентимиз нуфузини ошириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда таркибда 179 та давлат бўлган, 1889 йилда ташкил топган ПАИ сиёсий мухокама мақсадида асос солинган илк халқаро ташкилот бўлиб, парламентлараро мулоқот учун энг катта платформа ҳисобланади.

Қисқа вақт давомида Ўзбекистон парламенти мазкур нуфузли иттифокда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 30 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидовнинг ПАИ вице-президенти этиб сайлангани ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди, десак, му-балаҳ эмас.

Ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Мен парламентда ёшларни қўлайман" мавзусидаги Ёшлар парламентлари форумида ҳамда Бухоро шаҳрида "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик" масалаларига бағишлаб ўтказилган юқори даражали халқаро форумда Парламентлараро Иттифокнинг Бош қотиби Мартин Чунгоннинг шахсан иштирок этиши ҳамда ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган мулоқоти ушбу нуфузли халқаро ташкилот томонидан мамлакатимизда олиб

борилаётган демократик ислохотлар, Ўзбекистоннинг халқаро аренадаги муҳим ташаббуслари ҳамда парламентимизга бўлган юксак ишонч ва эътироби, дея баҳолаш мумкин.

Жорий йилда парламентар аёл спикерларнинг навбатдаги халқаро саммити Ўзбекистонда ўтказилиши ҳам халқаро ҳамжамиятининг мамлакатимизда амалга оширилаётган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқас, гендер тенглиги ва ёшлар масалаларида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда ташаббуслар натижаси, десак, бўлади.

Умуман олганда, парламент дипломатияси мамлакатимиз тараққиёти ва халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда нақадар муҳимлиги, ҳаётий зарурат экани ўз тасдиғини топмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2022 йилда ҳам мазкур йўналишда тизимли ишларни давом эттирган ҳолда, парламент дипломатияси концепциясида белгиланган юксак мақсадларга эришиш, парламентлараро ҳамкорликка янги, прагматик мазмун ва аҳамият бахш этиш имкониятларидан самарали фойдаланишни давом эттиради.

Надир ТИЛАВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МУАММОНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Аслида муаммонинг катта ёки кичиги бўлмайди. Чунки унинг ҳар бирининг ортида инсон манфаати туради. Агар одамларни ўйлантириб келаётган масалалар жойида ҳал этилса, уларда олдинги интилиш, ҳаракат пайдо бўлади, ўз ҳаётидан мамнун яшайди. Бошқача айтганда, ҳар бир кундан хурсанд, бахтли одамларгина дунёни янгилашга, ўзгаришига қодир бўлади. Бу — инкор қилиб бўлмас ҳақиқат.

Учрашув

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш, жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётди.

Айниқас, халқ вакили бўлган депутатларнинг маҳалла-маҳалла, хонадон-хонадон ҳақдор бўлиб, аҳоли билан очик мулоқотларга киришаётгани одамларнинг адолатга, давлатга, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ислон Хушвақтов Янги — 2022 йилнинг илк кунини сайловчилар билан мулоқот қилишдан бошлади.

Сир эмаски, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга қўмақ бериш, уларга ҳар томонлама, манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида йirik ижтимоий дастурлар — "темир дафтар" ва "аёллар дафтари" тизими яратилган эди. Халқ вакили ҳудуддаги учрашувлари давомида Чирокчи туманининг Чоштепа маҳалласида яшовчи Х. Бозорова хонадонида бўлиб, унинг яшаш шароитини ўрганди.

— Очик ва самимий мулоқот давомида хонадон соҳибаси тикиш-бичишдан хабардор эканлигини, лекин тикув машинасини сотиб олишга имконияти йўқлигини билдирди. Депутат бу масалани ўз назоратига олиб, Х. Бозоровага шу куннинг ўзида тикув машинаси совға қилди.

— Жойларда ўтказилаётган юзмаюз мулоқот ва суҳбатлар натижасида инсон манфаатларининг рўйбега чиқарилиши аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, кучига куч, гайратига гайрат қўшади, — дейди депутат И. Хушвақтов. — Шу нуқтаи назардан, байрам арафасида ва ундан кейинги кунларда ҳам сайловчилар билан мулоқот қилиб, уларнинг дарду ташвишлари билан қизиқдик. Энг муҳими, кўплаб масалаларнинг ечимини топишга муваффақ бўлди.

Дарвоқе, депутат ташаббуси билан тикувчилик фаолиятини бошлаш исти-гада бўлган аёлга туман марказининг аҳоли гавжум жойларидан ижара асосида жой ҳам ажратилмаган бўлди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАРОМИГА ЕТКАЗИЛИШИ ЗАРУР

Барчамизга аёнки, жамиятни қонунлар тартибга солиб туради. Қонун устувор юртда ҳамisha адолат ҳукмон ва бундай мамлакат тараққиёт босқичларида ривожланиб бораверади. Зеро, ҳар жиҳатдан пишик, пухта тайёрланган қонунларда ҳаётий ва халқчил тамойиллар устувор аҳамият касб этса, уни амалиётга табиқ этиш ҳам самарали бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган ишчи гуруҳ йиғилиши "Давлат мулкани бошқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳока-масига бағишланди.

Тегишли соҳа вакиллари, депутатлар, экспертлар, бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этган тадбирда қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қили-

ниб, уни маромига етказиш, пишик-пухта ҳолатга келтириш бўйича кўплаб таклифлар берилди.

Қайд этилганидек, мазкур ҳужжатда давлат мулкига эгаллик қилиш, бошқариш соҳасида илгор хорижий тажриба ва амалиётга таянган ҳолда яхлит, тўридан-тўғри амал қиладиган ягона нормалар назарда тутилмоқда. Шунингдек, давлат мулкига эгаллик қилишнинг аник мезонларини белгилаш

мақсадида лойиҳада давлат мулкига эгаллик қилиш-ни асослаш принциплари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этишнинг асосий йўналишлари, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашни жорий қилиш ҳамда давлат мулкани бошқаришда ҳисобдорлик, шаффофлик ва маълумотларни ошқор қилиш талаблари ўз аксини топаётёр.

Йиғилишда ишчи гуруҳа экспертлар, олимлар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида қонун лойиҳасини маромига етказиш топширилди.

«Халқ сўзи».

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ НУРЛИ МАНЗИЛЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган Янги йил табригида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар барқарор тус олганлиги, уларни янада ривожлантириш мақсадида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилганлиги, унинг асосида эса "Инсон қадри учун" деган улутвор гоғни амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганилиги таъкидланди.

Акс садо

Юртошимиз янги йилга ном беришда кенг жамоатчилик фикри ўрганилганлигини алоҳида таъкидлади ва ушбу таклифлардан келиб чиққан ҳолда Янги — 2022 йилни мамлакатимизда "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилишни таклиф этди.

Албатта, инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат бўлиши зарур. Шунинг учун давлатимиз раҳбарини борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла кенг имониятлар яратиш, унинг ижтимоий мавқеини ошириш зарурлиги бо-

расида гапириб, "Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади", "Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади" дея алоҳида таъкидлади.

Бундан ташқари, 2022 йилда иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорликни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш эътибор марказига бўлиши, аҳоли даромадларини имкон даражасида кўпайтириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини мунтазам ошириб боришга қаратилган салмоқли ишлар давоми эътирилиши қайд этилди, табриқда.

Президентимиз узокни кўзлаб, эртанги авлодлар ҳаётини ҳам уйлаб белгилаб бераётган эзгу режа ва мақсадларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, халқимиз турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилади. Шу

маънода, биз учун янада долзарб аҳамиятга эга бўлган "ижтимоий соҳалар, айниқас, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва илм-фани ривожлантиришга барча ресурслар жалб этилади", деган фикрлариди юртимизнинг эртаси бўлган ёшлар таълими, тарбияси, саломатлиги ва порлоқ истиқболи муҳимасамланганлигини яққол ҳис қилдик.

Албатта, давлатимиз раҳбарининг Янги йил табригида "Кексаларимизнинг умрини, ёшларимизнинг камолини берсин! Дилбар аёлларимизга доимо бахту иқбол ёр бўлсин!" деган сўзлари юртимиздаги ҳар бир инсоннинг қалбини ғурур ва ифтихор тўлдирди, халқимизнинг ҳаётга шукронаси, эртанги кунга, ўз фарзандлари келажак учун ишонч туйғуларини оширган айни ҳақиқат.

Зебинисо АҲМАДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти Фан-таълим масалалари қўмитаси аъзоси, «Келажак лидерлари» клуби ўқув-услубий йўналиш координатори.

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ деганда ҳар бир юртдошимиз ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашни тушунамиз

Йил номланишидаги "фаол маҳалла" тушунчаси инсон қадрини улуғлаш билан бевосита боғлиқ. Азалдан тараққиёт этиб келган маҳалла бугунги кунда ҳар бир ҳудуднинг нафақат кўзи ва юзи, балки шарқона демократия мактаби сифатида ҳам ўзини тўла намоеён этмоқда. Бугун уни изчил ривожлантириш билан ҳудудларни тараққиёт этириши, муҳими, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш орқали уларни рози қилиш ва пировадидида эса инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг мумкин бўлади.

Мамлакат етакчиси бунини ўз табригида лўнда қилиб шундай ифодалади: "Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутди. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади. Шу боис бундан буюн ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш фаолиятимизнинг бош мезонига айланади".

Инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган жорий йилдаги режаларимиз ҳам ул-

кан. Жумладан, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш изчил давом эттирилади. Шу орқали аҳоли даромадини ошириш, қолаверса, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни кўтариш чоралари қўрилади. Айни чоғда ижтимоий соҳалар, хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва илм-фани ривожлантиришга янада катта уруғ қаратилади. Ўз навбатида, уруш ва меҳнат фахрийлари, аёллар ва ёшларни кўлаб-қувватлаш, ахтиёмандларга гамҳўрлик кўрсатиш борасида бошланган ишлар янги чоғда сурьатда давом эттирилади.

Шу сайё-ҳаракатларнинг барчаси бир-галликда "Инсон қадри учун" деган тамойил жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллашига замин яратади. Шундай экан, бу мақсадга эришиш биз, сенаторлар зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Баҳождир ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.

2021 ЙИЛ ҲАҚИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Сўров иштирокчилари ўтган йил давомида мамлакат иқтисодиётига инвестицияларнинг жалб этиш, ҳудудларни комплекс равнақ топтириш учун қўлай шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади. Респондентлар шаҳар ва қишлоқларнинг ҳудудий инфраструктурасини яхшилаш ва ободонлаштириш, ижтимоий соҳа объектилари — болалар боғчалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлири, поликлиникалар, шифоналар, тиббиёт марказларини қуриш ва реконструкция қилиш, сув таъминоти ва канализация муаммоларини ҳал этиш, аҳолини газ ва электр энергияси билан таъминлаш, шунингдек, йўллар қуриш ҳамда таъмирлаш соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берганлиги ҳақида фикр билдирди.

Сўровда фуқароларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ мамлакатдаги мавжуд аҳолини қандай баҳолашни аниқланди. Сўралганларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи кичик ва ўрта бизнес, яқка тартибдаги тадбиркорлик ва хунар-мандчиликни ривожлантириш, янги саноат тармоқлари, ижтимоий инфратузилма ва қурилишни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда ишга жойлашиш, бандликни таъ-

минлаш масалаларида яхши ўзгаришлар юз бераётганини қайд этди. Кўпчиликда меҳнатга муносиб даражада ҳақ тўланадиган ишга жойлашиш имконияти пайдо бўлди, ишини йўқотган фуқароларга ижтимоий нафақалар ва қайта тайёрлаш ёки малака ошириш имкониятлари тақдим этилмоқда. Иштирокчиларнинг қайд этишича, мамлакатда ишсиз қолган фуқароларга қўмақ кўрсатувчи иxtисослаштирилган бандлик хизматлари пайдо бўлди.

Респондентларнинг фикрига кўра, кейинги пайтда фуқаролар ижтимоий ҳимоясини, жумладан, ахтиёманд қатламни ҳимоя қилишни кучайтиришга ёрдам берадиган ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Иштирокчилар манзилли ёрдам кўрсатиш учун барча фуқаролар, жумладан, болалар, катталар, ногиронлар ва бошқа тоифадаги шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишининг самарали механизми асослари яратилганини, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари" жорий этилганини таъкидлади.

Сўровнинг кўрсатишича, кейинги пайтда мамлакатда озик-овқат саноати жадал ривожланаётгани, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ортиб бо-

раётгани туфайли фуқароларнинг овқатланиш сифатида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда.

Соғлом турмуш тарзини таъминлаш барқарор ривожланиш соҳасидаги устувор мақсадлардан биридир. 57,7 фоиз фуқаронинг қайд этишича, ушбу соҳада янги томонга ўзгаришлар юз бермоқда, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бугунги — оилавий поликлиникаларда тиббий хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада ошди, уларнинг моддий-техник таъминоти яхшиланди, турли касалликлар, жумладан, коронавирус инфекциясига барҳам бериш ва олдини олиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

61,2 фоиз респондент фикрича, фуқароларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш, беморларнинг ахтиёманди ва мойилликларини ҳисобга олиб, оилавий поликлиникаларда, туман, вилоят ва республика кўп тармоқли ва иxtисослаштирилган тиббиёт муассасаларида соғлиқни мустаҳкамлаш, профилактика қилиш, даволаниш ва қайта тикланиш бўйича имкониятлари кўпайди.

Сўров натижаларининг кўрсатишича, мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш борасида катта муваффақиятларга



Хосен ПАЙДИЕВ олган суратлар.

эришилган, хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари бартараф этиш бўйича чоралар қўрилоқда, фуқароларнинг менталитети ўзгармоқда, олий ва ўрта махсус маълумот олиш рағбатлантирилмоқда, шунингдек, аёллар ва қизларнинг ишга жойлашуви ёрдам берилмоқда, уларнинг бандлигини таъминлаш ва бизнесини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатда таълим тизимини ривож-

«Ижтимоий фикр» РҲФЎМ маълумотлари асосида Дилшод КАРИМОВ тайёрлади.

КЛАСТЕР ҚИЗИРИҚДА ҚАНДАЙ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРГА ОЛИБ КЕЛДИ?



Бир йилда ҳосилдорлик 15 центнерга кўтарилди

Сурхон воҳаси ахли яхши билади, Қизилқоғонда деҳқончилик қилишнинг машаққатлари кўп. Аввало, тупроқ-иклим шароитининг мураккаблиги, қолаверса, ёгингарчиликнинг нисбатан кам бўлиши зироатчиликда ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Шу боис кейинги йилларда туманда пахтачилик ва ғаллачилик каби асосий тармоқларда оксоқлик кузатила бошланди. Шартномавий режалар эса узоқ йиллар давомида тўлиқ урдаланмади. Ана шундай шароитда вазиятни ўнглаш, соҳада самардорликни ошириш, энг асосийси, тармоқни санатлаштириш мақсадида экин майдонлари янги ташкил этилган "SCT Cluster" ихтиёрига берилди.

"SCT Cluster" кластери раҳбари Яхё Насимовнинг айтишича, мазкур кластер 2020 йилнинг декабрь ойида иш бошлаган бўлиб, 2021 йил ҳосили учун 7 минг 684 гектар ерда ғўза парваришланди. Кузги ғалла экилган майдонлар эса то ҳосилини йиғиштириб олгунга қадар фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилди.

Ишга бўлган янги ёндашув, агротехника тадбирларининг сифатли бажарилиши, амалиётга интенсив технологияларнинг қўлланилиши, замонавий техникаларнинг келтирилиши — буларнинг барчаси ўз сўзини айтди. Туман пахтачилигида яқин йилларда кузатилмаган натижа қўлга киритилди. Қарийб 20 минг тонна пахта хом ашёси йиғиштириб олинди, рентабеллик 21,2 фоизни ташкил этди. Уртача ҳосилдорлик эса 25,5 центнерга етди.

— Тўғри, бу жуда юқори натижа эмас, аммо шу пайтгача туманда фаолият юритган фермер хўжаликлари эришган кўрсаткичлар билан таққосланса, ҳосилдорлик бир йил ичида 15 центнерга кўтарилганига гувоҳ бўламиз, — дейди кластер раҳбари Яхё Насимов. — Аниқроғи, аввалги мавсумда туман ялли пахта ҳосили 5 минг тоннага ҳам етмаган экан. Шу боис, кўпчилик 2021 йили Қизилқоғон пахтачилиги тарихида янги давр бошланганини эътироф этмоқда. Бу гаплар замирида ҳаёт ҳақиқатлари бор, албатта. Чунки аксарият ҳудудларда гектаридан 35-45 центнердан ошириб пахта териб олинди. Натижада илгари хувилаб ётган пахта қабул қилиш масканлари мўҳим санат хом ашёсига тўлиб кетди.

56 миллиард сўмлик замонавий техникалар келтирилди

Табий савол туғилади: атиги бир йил ичида қоқоқликка қандай барҳам берилди?



«Фермер бўлиб, уй-жой қилолмаган эдим...»

Собиқ фермер Барно Норбоевнинг айтишича, яқин-яқингача қизилқоғон хотин-қизларнинг аксарияти иш излаб қўшни туманларга чиқса, норгул йиғитлар чет элларга кетишга мажбур бўлган. Чунки фермер хўжаликлари қишлоқ одамлари бандлигини амалда таъминлай олмасди.

Бугун-чи? Кластер усулига ўтилгач, "SCT Cluster"да 3 минг 800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, қизилқоғоннинг ана шунчаси доимий иш билан таъминланди. Шундан 31 нафари иқтисодчи, 19 нафари ҳудуд раҳбари, 25 нафари дала агрономи ва ирригаторлар, 300 нафари механизатор бўлса, қолган қисми дала ишчилари ва сувчилардан иборат. Улар орасида собиқ фермерлар ҳам кўп.

— Яширмайман, фермерлик фаолиятим давомида ўзим учун уй-жой ҳам қилолмаган эдим, — дейди илғор оилавий пудратчилардан бири Барно Норбоев. — Мана, кластерда ишлаб, бир йил ичида ўз бошпанамга, ватанимга эга бўлдим. Янги йилни шоду хуррамликда янги йилга кутиб олдик. Холисона айтганда, "SCT Cluster" кластери "Ишлайман!" деган ҳеч бир деҳқон ва фермерни ишсиз қолдирмади. Ҳам фермерлик дав-

ришда оилавий пудрат тизими жорий қилинди. Ҳар кимнинг имкониятидан келиб чиқиб, ғўза майдонлари қишлоқ аҳолисига оилавий пудрат асосида 1, 3, 5 ва 10 гектар, ҳатто бундан ҳам кўпроқдан бўлиб берилди. Улар кластер билан шартнома асосида маҳсулот етиштириб, ернинг ҳақиқий эгасига айланди.

Айтиш жоизки, шартномага биноан, ирригация-мелиорация тадбирларини бажариш, деҳқонларга уруғлик етказиб бериш, техника хизматлари кўрсатиш, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар билан таъминлаш, энтомолог, агроном мутахассислари хизматини ташкил этиш, томчилатиб сўғоришни йўлга қўйиш ва бошқа хизматлар кластер томонидан амалга оширилди. Хусусан, 10 та махсус экскаватор жалб қилиниб, 2021 йил мобайнида 80 километр узунликдаги мавжуд ички зовурлар, 210 километрдан ортиқ сўғориш тармоқлари тозаланди.

Шу билан бирга, "Буюк Сурхонобод", "Янгийўл", "Оқ-жар" ҳудудларидаги 809 гектар майдонда томчилатиб сўғориш технологиялари жорий этилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув тақчиллиги кузатилган мавсумда обихаётдан унумли фойдаланиш орқали мўл ва баракали ҳосил яратиш имконини берди.

Зараркунанда ҳашаротларга қарши эса фақат биологик усулда курашилди. Натижада илгари ғўза ҳосил туганакларига жиддий зиён етказадиган кўсақ курти, беда қандадаси каби зараркунандалар умуман белги бермагани чинакам янгилик бўлди. Бу кимёвий ва заҳарли воситаларсиз ҳам ҳосил қушандасига қирон келтириш мумкинлигининг амалий тасдиғи эмасми?!

Оилавий пудрат зиммасидаги мажбурият битта. У ҳам бўлса, ўзига бириктирилган экин майдонидан унумли фойдаланиб, мўл ва сифатли маҳсулот етказиб беришдир.

Самараси қандай бўлди, дейсизми? Оилавий пудратчиларнинг деярли барчаси шартномавий режани ортиғи билан урдалади. Ҳисоб-китобларга кўра, пахтачилиқнинг ўзидан 148 миллиард 200 миллион сўм даромад олинди.

«Танловда адашмаган эканман»

Таъкидлаш жоизки, кластер аталмиш янги инновацион усулдан, биринчи навбатда, деҳқонлар манфаати кўзланган. Негаки, мавсум якунлари бўйича олинган даромад ва кўрилган соф фойдадан кластернинг барча иштирокчилари ўз улушига эга бўлади. Масалан, 2021 йил сарҳисобига кўра, гектаридан 35 — 45 центнердан ошириб пахта ҳосили олган оилавий пудратчиларнинг уч нафари "Gentra", бир нафари эса "Damas" автомобили билан тақдирланди.

Аммо халқимиз, қишлоқ одамлари кластер усулининг устунликларини тушуниб етгани туфайли аграр соҳадаги ислохотлар қутулган самаларини бера бошлади.

Оилавий пудрат рўзгорга барака киритди

Кўпчиликда савол туғилиши мумкин: ер-сув шароити ўша-ўша бўлган Қизилқоғон туманида кластер қанақа қилиб қўшимча иш жойи ярата олди?

Кластер бош маслаҳатчиси Матлубожон Нўмоннинг изоҳ беришича, "SCT Cluster"да қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишти-

ришда оилавий пудрат тизими жорий қилинди. Ҳар кимнинг имкониятидан келиб чиқиб, ғўза майдонлари қишлоқ аҳолисига оилавий пудрат асосида 1, 3, 5 ва 10 гектар, ҳатто бундан ҳам кўпроқдан бўлиб берилди. Улар кластер билан шартнома асосида маҳсулот етиштириб, ернинг ҳақиқий эгасига айланди.

Айтиш жоизки, шартномага биноан, ирригация-мелиорация тадбирларини бажариш, деҳқонларга уруғлик етказиб бериш, техника хизматлари кўрсатиш, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар билан таъминлаш, энтомолог, агроном мутахассислари хизматини ташкил этиш, томчилатиб сўғоришни йўлга қўйиш ва бошқа хизматлар кластер томонидан амалга оширилди. Хусусан, 10 та махсус экскаватор жалб қилиниб, 2021 йил мобайнида 80 километр узунликдаги мавжуд ички зовурлар, 210 километрдан ортиқ сўғориш тармоқлари тозаланди.

Шу билан бирга, "Буюк Сурхонобод", "Янгийўл", "Оқ-жар" ҳудудларидаги 809 гектар майдонда томчилатиб сўғориш технологиялари жорий этилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув тақчиллиги кузатилган мавсумда обихаётдан унумли фойдаланиш орқали мўл ва баракали ҳосил яратиш имконини берди.

Зараркунанда ҳашаротларга қарши эса фақат биологик усулда курашилди. Натижада илгари ғўза ҳосил туганакларига жиддий зиён етказадиган кўсақ курти, беда қандадаси каби зараркунандалар умуман белги бермагани чинакам янгилик бўлди. Бу кимёвий ва заҳарли воситаларсиз ҳам ҳосил қушандасига қирон келтириш мумкинлигининг амалий тасдиғи эмасми?!

Оилавий пудрат зиммасидаги мажбурият битта. У ҳам бўлса, ўзига бириктирилган экин майдонидан унумли фойдаланиб, мўл ва сифатли маҳсулот етказиб беришдир.

Самараси қандай бўлди, дейсизми? Оилавий пудратчиларнинг деярли барчаси шартномавий режани ортиғи билан урдалади. Ҳисоб-китобларга кўра, пахтачилиқнинг ўзидан 148 миллиард 200 миллион сўм даромад олинди.

11 мингта иш ўрни яратилади

"SCT Cluster" фақатгина пахтачилик билан чекланиб қолгани йўқ. Уни кўп тармоқли субъектга айлантириш учун кўплаб истиқболли лойиҳалар ижросига киришилди. Дастлабкиси 2022 йил ҳосили учун 10 минг 190 гектар майдонга ғалла экилгани бўлди. Бундан ташқари, боғдорчилик хўжалигини ташкил этиш саъй-ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Умуман олганда, кластер томонидан 2022 — 2025 йиллар давомида пахта ва ғаллани қайта ишлашни йўлга қўйиш, тикувчилик фабрикасини бунёд этиш, ёғ-мой заводини ишга тушириш, шунингдек, чорвачилик ва паррандчилик комплексини ташкил қилиш

Тажрибали деҳқон, "Дўстлик" ордени соҳиби Чори Амиров юқори ҳосилдорликка эришиб, автомобиль бўлган пудратчилардан бири.

— Умримнинг катта қисми Қизилқоғондаги оилавий пудратчиларнинг ҳўлини билан ўтди, — дейди у. — Ҳозир ёшим 70 дан ошган бўлса, 2020 йилгача фермерлик қилдим. Энди кластерда оилавий пудрат бошлиғиман. Сизга айтсам, кластер билан ишлашга биринчилардан бўлиб қарор қилдим. Тўғри танлов қилганимни, адашганимни бугун яна бир қара ҳис қилиб турибман. Ўтган бир йил ичида кластернинг афзаллигини, унинг дасту унумлигини тушуниб етмаганлар деярли қолмади. Унинг ишини ҳамма кўриб-билиб турибди-да. Барчаси халқнинг кўз ўнгида, очик, ошқора.

Қаранг, бу техникаларни! Чет элдан бир пайтда 200 та трактор олаб келишнинг ўз бўладими?! Илгари 4-5 йилдаям битта янги техника келганини эслолмайман. Мукофотга машина берилишини эса кўпчилик ҳаёлига ҳам келтирмагани рост. Ҳамма ўзгаришлар шу эл, шу халқ учун бўляпти. Шундан хурсандимиз.

Кластер энг илғорларга автомобиль тўхфа қилиш билан чекланиб қолмагани диққатга сазовор. Яъни ўнлаб пудратчилар, ҳудуд раҳбарларига 30 миллион сўмдан 85 миллион сўмгача бонус берилди. Телевизор ва маиший техника синга-



ри қимматбаҳо совғалар олганлар эса юздан ошди. Буларнинг барчаси кластер ишчиларига ойлик иш ҳақларига йил якунлари бўйича қўшимча мукофотдир.

Чиндан ҳам, кластер ишчиларига ойма-ой иш ҳақи тўлаб борилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2021 йилнинг 11 ойида жами 33,5 миллиард сўм миқдорда ойлик маош тўланган. Ушбу даврданги солиқ тўловлари эса қарийб 12 миллиард сўмни ташкил этди.



11 мингта иш ўрни яратилади

"SCT Cluster" фақатгина пахтачилик билан чекланиб қолгани йўқ. Уни кўп тармоқли субъектга айлантириш учун кўплаб истиқболли лойиҳалар ижросига киришилди. Дастлабкиси 2022 йил ҳосили учун 10 минг 190 гектар майдонга ғалла экилгани бўлди. Бундан ташқари, боғдорчилик хўжалигини ташкил этиш саъй-ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Умуман олганда, кластер томонидан 2022 — 2025 йиллар давомида пахта ва ғаллани қайта ишлашни йўлга қўйиш, тикувчилик фабрикасини бунёд этиш, ёғ-мой заводини ишга тушириш, шунингдек, чорвачилик ва паррандчилик комплексини ташкил қилиш

каби кўплаб инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш белгилаб олинган. Уларнинг ижроси доирасида 11 мингга яқин иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Пировадда Қизилқоғон туманининг санат салоҳияти ортиб, экспорт ҳажми янада кўпайиши кутиляпти. Чунки инвестор томонидан ташқи бозорда талаб юқори бўлган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бош мақсад қилиб қўйилган.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, кластер усулида етиштирилган ҳосил жаҳон бозоридан баҳадан келиб чиқиб, харид қилинапти. Ҳоҳ у асосий экинни ҳам, ҳоҳ у такрорий экин бўлсин, етиштириш ва сотиб олиш ана шу тартиб-таомил асосида ташкил этилмоқда. Натижада деҳқоннинг қўли пул кўра бошлади. Гектаридан 40 центнердан ҳосил оладиган оилавий пудратчиларга 4 миллион сўмдан, ҳосилдорликни 50 центнерга етказганларга 5 — 7 миллион сўмгача ойлик маош белгилангани деҳқон меҳнати қадр топаётганидан далолатдир. Шу ҳисобда битта оилавий пудратда бир хонадоннинг 4 аъзоси ишлаб, юқори натижага эришса, бир рўзгорга ойига 20 миллион сўмгача даромад киради.

Демак, ўз-ўзидан аён бўладиги, деҳқон қанча яхши ишласа, шунча манфаат кўради, даромади ортади. Шунинг учун пудратчилар

шартнома асосида уларга бириктирилган ер ўзиники эканлигини, ушбу экин майдонида йиллар давомида ўзи, фарзандлари меҳнат қилишига ишонч пайдо бўлганлиги туфайли заминга меҳр бериб ишлашга, унумдорлигини оширишга интиляпти.

Сухбатимиз сўнгида кластер раҳбари Яхё Насимов бир ибратли воқеани айтиб қолди. — "Ҳосил байрами"да илғорларни тақдирлаб, офисга келсам эшик

тақиллаб қолди, — дейди Яхё Насимов. — Қарасам, 11 нафар оилавий пудратчи. "Кейинги йилга 11 та машина тайёрлаб қўйинг. Биз 2022 йилда пахта ҳосилдорлигини 45 центнердан оширмагунча даладан келмаймиз", дейишса бўладими!..

Бу — кластер тизими одамларда ерга, ишга бўлган муносабатни ўзгартирганнинг исботи. Бу — кластер усулини қўллаб-қувватловчилар сафи кун сайин кенгайиб бораётганининг исботи. Зеро, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кенг қулоқ ёзаётган ушбу инновацион ғоядан кўзланган мақсад — аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш, халқни бой ва турмушини фаровон қилишдир.

Сайд РАҲМОНОВ («Халқ сўзи»).

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўтган 2021 йил бутун дунё аҳли, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам машаққатли синовлар йили бўлди, десак, муболага эмас. Шунга қарамаздан, давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самараларини кўрсатиб, одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва кайфияти тубдан ўзгарди.

Дил сўзи

Шу жиҳатдан ўтган йил самарасига биргина корхонамиз мисолида назар солсак, асрларга татигулик янгиланишларнинг гувоҳи бўламиз. Чунинчи, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги тантаналари арафасида корхонамизга давлатимиз раҳбари таширф буюриб, иккита замонавий кимё мажмуасини ишга тушириш ва яна бир янги йирик лойиҳани бошлашга бағишланган маросимда иштирок этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Навоий вилоятига илк таширфидеяк бугунги куннинг янги тараққиёт тамойиллари энергия ресурсларини тежаш ва ташқи бозорда ҳам рақобатбардор ҳамда экологик жиҳатдан имкон қадар безарар маҳсулотлар ишлаб чиқаришдек устувор вазифаларни белгилаб, “Навоийазот” АЖда модернизация ишларини жадаллаштириш, техник ва технология янгиланиши истиқболли инноватга олган ҳолда амалга ошириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Шу асосда корхонамизда йилга 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол ишлаб чиқариш қувватларига эга янги мажмуа ўз фаолиятини бошлади. Азот кислотаси ишлаб чиқариш бўйича эски (1965 йил) 1-2 навбатлари эксплуатациядан чиқарилиб, тегиш қиёсий асосларга мувофиқ умумий қиймати 216,6 млн АҚШ долларига тенг ишлаб чиқариш объекти бўнбд этилди. Эски технологияга нисбатан энергия сарфи 18 мартага қисқарди.

Таъкидлаганимдек, Президентимиз йиллик қуввати 120 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқариш лойиҳасининг иккинчи босқичига шарт берган эди. Қиймати 400 миллион АҚШ долларига тенг ушбу лойиҳанинг тўлиқ ишга туширилиши корхонамизда поливинилхлорид ишлаб чиқариш қувватини йилга 100 минг тоннадан 220 минг тоннага, каустик содани эса 75 минг тоннадан 165 минг тоннага етказиш, электротехника, мебеласозлик, қурилиш материаллари саноати, маиший кимё ва бошқа соҳаларда талаб юқори бўлган 210 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Шу билан бирга, ушбу лойиҳа орқали “Навоийазот” ва “Электрим” заводи” негизда Марказий Осиёда биринчи марта йирик, ўзаро интеграция қилинган кимёвий технология кластер ташкил этилмоқда. Мазкур кластерда яқин йилларда умумий қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 23 та лойиҳа амалга оширилиб, 33 турдаги юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва шу асосда “Навоийазот”да қўшимча 3 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилга эришляди.

Энг муҳими, лойиҳаларни амалга оширишда инсон қадр ва унинг нафақатлари устувор тутилмоқда. Бойси улар орқали янги иш ўринлари яратиш билан бирга, ҳудуднинг экологик тозаллиги, атроф-муҳитга безарарлиги таъминланади. Мамлакатимизда 2022 йилнинг — “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинишини корхонамиз меҳнаткашлари ҳам зўр қувонч билан қарши олди. Зеро, жамиятда инсон кадрининг улуғлигини тараққиётнинг муҳим омили, ислохотлар самарасининг барометридир.

Одил ТЕМИРОВ,
«Навоийазот» АЖ Бош директори.

ЭЛЕКТРОН ЧИКИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҳам табиатга, ҳам иқтисодиётга катта фойда келтиради

Бугун дунё олимларини, экологларни табиий экологик ҳолатлар қаторида, нотайиб, яъни бевосита инсон омили таъсирида келиб чиқатган муаммолар ҳам ташвишга солмоқда. Шулар сирасига чикиндиларни киритиш мумкин. Зотан, бу масала бугун энг катта, глобал тус олаётган ҳолатлардан саналади.

Нуктаи назар

БМТ экспертлари томонидан Ўзбекистон ва Марказий Осиёда электрон чикиндилар бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва мазкур масалага жиддий эътибор қаратиш зарурлиги билдирилган. Чунки натижаларга кўра, сўнгги ўн йил ичида МДХ мамлакатлари ва Грузиядаги чикиндиларларда электрон чикиндилар миқдори қарийиб бир ярим баробар ошгани маълум бўлди.

Маълумотларга қараганда, 2010 йилдан 2019 йилгача сотиб олинган электрон ҳижозлар ҳажми 10 фоизга — 2,9 миллион тоннадан (аҳоли жон бошига 110,4 кг.) 3,2 миллион тоннага (жон бошига 119,0 кг.) ошган. Шу билан бирга, худди шу даврда электрон чикиндилар ҳажми деярли 50 фоизга ўси ва ҳозирда 2,5 миллион тоннани ташкил этаётган (аҳоли жон бошига 8,7 кг.). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг атиги 3,2 фоизи қайта ишланади.

Ҳисоботда таъкидлашишча, ҳатто кўшни давлатлар билан солиштирилганда ҳам Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳимояси МДХнинг аксарият давлатларига қараганда анча суств ва бу борадаги инфратузилма ҳам заиф. Шунингдек, чикиндиларни йиғиш

ЭЪТИБОРНИНГ ИЛК САМАРАЛАРИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳада янгиланиш жараёни кечмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон буткул янгиланмоқда: кўз олдимизда янги Ўзбекистон қад ростламоқда. Халқимиз олдида янги Ўйғониш даври — учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғувор мақсад қўйилди. Ушбу эзгу мақсадга эришишда юксак маънавият бизга таянч ва сўянч бўлади. Юртимизда адабиёт ҳамда санъат, маданият ва маърифат, ёшлар тарбиясига берилаётган эътиборнинг бойси ҳам шунда.

Эҳтиром

Президентимиз томонидан адабиёт учун қилинаётган хайрли ва эзгу ташаббусларнинг чўққиси бу, шубҳасиз, ҳазрат Алишер Навоий номига абадийлаштириш билан боғлиқ, десак, муболага эмас. Фақат номни абадийлаштириш билан натижага эришиб бўлинмаслиги аён. 2020 йил 19 октябрда қабул қилинган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Президент қарори адабиётимиз ва маданиятимиз ҳаётида катта воқелик бўлди. Қарорга мувофиқ, аниқ чора-тадбирлар режаси қабул қилинди. Алишер Навоий орденини таъсис этиш, Афғонистоннинг Хирот шаҳрида буюк бобомиз макбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мамлакатимиз ҳамда хорижда илмий-амалий анжуман, танлов ва кўргазмалар уюштириш, Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги ижод мактабини ташкил этиш, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи биносини тўлиқ реконструкция қилиш, зарур техник ва ашвейи ҳижозлар билан таъминлаш, шoir ҳаёти ва ижоди ҳақида бадиий, бадиий-публицистик ва мультимедия филмлар яратиш каби вазифалар белгиланди.

Хорижий мамлакатлардан улғу шоир қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг фақсимиле нусхасини Ўзбекистонга олиб келиш, Алишер Навоий қўлёзмалари асосида шoir асарларининг мукамал илмий нашрини яратиш, ижодий мероси шарҳини тайёрлаш, асарларини таълим мажмуасларида улуқсиз ўқитиш концепциясини яратиш ҳамда амалиётга жорий қилиш, буюк бобомиз китобларининг иловалари яратиш ва уларни ёшлар ўртасида оммашайтириш, чет тилларга таржима қилиш, нашр этиш ва хорижий мамлакатларда тақдимоти-ни ўтказиш шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари 2021 йилнинг 4 февралда яна бир тарихий ҳужжат — “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Мазкур ҳуж-

тоблар, илмий тадқиқотлар, аудио китоблар ҳамда улғу мутафаккир ҳақида ишланган спектакллар, кинофильмлар ҳақида батафсил маълумот берилган. Буюк аждодимиз ижоди бўйича илмий иш қилган навоийшуносларнинг таржи-маи ҳоли, тадқиқотлари ва асарларидан парчалар ҳам сайтдан ўрин олган.

Фонд томонидан Алишер Навоий газалларига боғланган муҳаммаслар алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Ушбу тўпلام Алишер Навоий даврдан бошлаб то замондош шоирларгача улғу бобомиз газалларига боғланган муҳаммаслардан иборат. Қолаверса, Алишер Навоий ҳаёти, илмий-адабий меросини халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб этиш, буюк шоир асарларини хорижий тилларга ўғириш, хорижий давлатларда илмий-ижодий марказлар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида халқаро алоқалар йўлга қўйила бошланди. Шу мақсадда Германия, Хитой давлатлари эътиборини, Жанубий Корея давлати консули билан халқаро миқёсдаги навоийшуносликнинг кейинги истиқболлари муҳокама қилинди. Покистоннинг Лоҳур шаҳрида Алишер Навоий номидаги халқаро марказ ташкил этилди ва фонд билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Анчик бўлса ҳам, бир ҳақиқатни тан олимизнинг керак: истиқлолнинг дастлабки йилларида илм-фан аҳлига етарлича эътибор берилмаган, узоқ йиллар жамиятда авторитар тафаккур ҳукм сургани навоийшунослик ривожига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Ҳозирги кунга келиб, Азиз Қайумов, Суйима Ганиева, Алибек Рустамов, Абдуқодир Хайитметов, Нажимиддин Комиллов сингари забардаст навоийшуносларнинг орамизда йўқлигини билдирибдиған янги авлод навоийшунослари жуда камчилик экани, Алишер Навоий ижоди бўйича қилинган тадқиқотларнинг аксар қисми мавсумий характерга эга бўлиб, чин кўнгилдан шу соҳани ривожлантиришга бел боғланган олимларнинг заҳматлари вақтида кадр топмагани каби муаммолар соҳада ййгилиб қолганиди, буларнинг ечимини топиш тизимли ва оқилона ёндашувни талаб қиларди. Ҳатто ўзбек олимларининг тадқиқотлари етарли даражада оммашаймагани сабабли, хориждаги навоийшунослар уларнинг илмий ютуқларидан беҳабар қилиб келмоқда. Мисол тариқасида айтиданган бўлсак, Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ганиеванинг “Навоий насрий нафосати” монографияси 2000 йилда атиги 200 донга, у ҳам бўлса, нашриёт грифисиз чоп этилганди. Ёхуд академик Азиз

Қайумов асарларини 150 нусхада ўз ҳисобидан чоп этириб тарқатишга мажбур бўлгани ҳам илм аҳли нақадар аянчли аҳволда қолганига яққол мисолдир.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан фонд жамоаси хайрли бир ишга қўл урди. Унга кўра, Алишер Навоий ижоди юзасидан олиб борилган барча илмий тадқиқотларни жамланган 30 жилддан иборат “Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги” номли тўпلام нашрдан чиқиб арафасида. Мазкур тўпلامда ўзбекистонлик навоийшуносларнинг истиқлол даврида чоп этилган етмишдан зиёд монография ва рисоалари, қирққа яқин илмий мақолалари жамланган бўлиб, янги замон навоийшунослиги ҳақида ахлит манзарани намойён этади.

Президентимиз қарори билан жорий йил давомида Тошкент давлат шарқшунослик университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат университети каби етакчи олий таълим муассасаларида Алишер Навоий ҳаёти ҳамда ижодида бағишланган халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари бўлиб ўтганини алоҳида қайд этиш жоиз. Фонд ушбу илмий анжуманларнинг юксак савияда ўтиши учун мустақам ҳамкорликни йўлга қўйди. Жумладан, Самарқанд давлат университетида 2021 йил 21 майда бўлиб ўтган “Алишер Навоийнинг жаҳон адабиётидаги ўрни” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ҳамда Қўқон давлат педагогика институтида бўлиб ўтган “Алишер Навоий ва Қўқон адабий муҳити” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари фонд ҳисобидан нашр этилди.

Алишер Навоий нафақат ўзбек адабиётида, балки форс адабиётида ҳам муътозлик даражасига етишган забардаст шоирлардан. Зуллисонаини шоирлар тарихида кўп, аммо Алишер Навоий каби икки мухташам адабиётда етакчилик макомига эришган яна бошқа шоирни топиш амримаҳол. Афсуски, унинг

Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, буюк бобокалонимиз шахсиятига ва меросига ҳурмат кўрсатиш гўзал аънаваларимиздан. Аммо ўтган 2021 йил миллий маънавиятимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан битилишига зарарча шубҳа йўқ. Чунки ҳазрат Навоийга мурожаат фақат февраль ойида эмас, балки йил давомида амалга оширилгани эндиликда буюк мутафаккир бобомиз асарларини ўқиб-ўрганиш умумийлиги иштиёқга айланаётганидан гувоҳлик бериб турибди. Шу маънода, қўлга киритилган натижа ва ютуқлар давлат миқёсда навоийшуносликка берилган эътиборнинг илк самаралари сифатида баҳоланмоғи керак.

Олимжон ДАВЛАТОВ,
Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондининг ижрочи директори, навоийшунос.

ТОҒ БАҒРИДАГИ БОҒЧА ҚИШЛОҒИ ОБОД МАСКАНГА АЙЛАНМОҚДА

Янги йил арафасида Сурхондарёнинг шаҳар ва туманларида бир қатор ижтимоий соҳа объектилари, маданий-маиший, савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади.

Бунёдкорлик

Жумладан, вилоят марказидан 250 км. узоқликдаги “Сангардак” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Боғча қишлоғида мактаб янги ўқув биноси, болалар боғчаси, тиббий пункт ва кутубхона фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан уюштирилган тадбирда вилоят ҳокими Т. Боболов, секторлар раҳбари ва

жамоатчилик вакиллари қатнашди. Боғча қишлоғида бунёдкорлик ишлари натижасида 44-умумтаълим мактабининг мавжуд биноси замон талабларига мос мукамал таъмирланди ва 80 ўринли қўшимча ўқув бино ҳамда спорт зали барпо этилди. Шунингдек, 40 ўринли мактабгача таълим муассасаси, тиббий пункт ва кутубхона бинолари ҳам қурилди.

— Тоғли ҳудудда яшасак-да, электр тармоқлари қурилган, мобиль алоқа станцияси ўрнатилган. Давлат дастурига биноан 22 км. автомобиль йўлини қуриш ишлари жадал сурьатда амалга оширилмоқда, — дейди меҳнат фахрийси Аллаберди Беков. — Фойдаланишга топширилган ижтимоий соҳа объектилари қишлоқ аҳли, айниқса, ёшларимиз учун катта қулайлик яратмоқда. Биз

кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдоримиз.

Илҳом РАҲМАТОВ
«Халқ сўзи».



металлари, бир миллион тонна темир, 85 минг тонна мис ва 700 тонна кобальт чикиндиларига қўйилган. Бу материалларнинг умумий қиймати 2,6 миллиард доллардан ошадди, дейди тадқиқотчилардан бири, БМТ университети етакчи тадқиқотчиси Кеес Балде.

Албатта, электрон чикиндиларни қайта ишлаш табиатни асраб-авайлаш орқали иқтисодиётга фойда келтириши мумкин. Шу боис мамлакатимизда бу борадаги ишларга жиддий эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, “Табиатга имконият бер” шiori остида мамлакатимиздаги барча корхона ва ташкилотлардан, жумладан, аҳолидан электрон чикиндиларни қабул қилиш йўлга қўйилди. Бу табиатга ташланганидан зарарли чикиндилар микдорини камайтиради.

Бундан ташқари, электрон чикиндилар иккиламчи хом ашё сифатида янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қимматли манба ҳисобланади. Бунинг сабаби олтин, литий, кобальт ва бошқа элементларнинг нисбатан кўп миқдори электрон чикиндиларда сақланади, уларнинг захиралари ер тубида чекланган.

Бинобарин, чикиндини янада самаралироқ йўқотиш зарурати бор. Бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини 2019 йил 17 апрель куни “2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди.

Келгусида мазкур ҳужжатда кўрсатилган ва-зифаларни белгилаган муддатларда босқичма-босқич бажариш зарур. Бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлилда Ўзбекистон каби мамлакатларга чикиндиларни йиғиш тизимини жорий этиш, жумладан, қайта ишлаш, ҳабардорликни ошириш ва бу борадаги таълимни кучайтириш борасида бир қанча тавсиялар берилди. Тадқиқотчилар ушбу бўлиқни бартараф этиш ва электрон чикиндиларни йиғиш ҳамда қайта ишлашни назорат қилишни осонлаштирадиган шарт-шароитларни яратишга чақирди. Бунинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида чикиндилардан барча қимматли материалларни ажратиб олиш, табиатни симоб, кадмий ва электроника ишлаб чиқаришда қўлланладиган бошқа захарли моддалар тўланишидан асраш мумкин бўлади, дея таъкидлайди олимлар.

Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, аввало, чикиндиларни камайтириш, самарали бошқариш, яъни улардан бошқа зарур ашёлар тайёрлашни ўзлаштириш бугуннинг талабига айланмоқда. Бу атроф-муҳит учун ҳам, одамлар ҳаёти учун ҳам, мамлакат иқтисодиёти учун ҳам фойдалидир.

Фозилдин АБИЛОВ.

БИОМАХСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Сўнгги йилларда соғлом турмуш қоидаларига амал қилмаслик, озик-овқат фавқузолиги борасидаги мавжуд, коронавирус пандемияси сингари муаммолар туфайли нафақат ёши катталарда, балки навқирон йилги-қизларда ҳам қоннинг қуюқлашиши ва иммунитет пасайиши каби ҳолатлар кузатилаётгани сир эмас. Бу эса ҳудудларда бундай муаммоларни бартараф этиш учун имкон бериувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги талабни оширмоқда.

Интилоҳ

Андижон вилоятининг Бўстон туманида ўз фаолиятини бошлаган “Абдулатиф ҳожи мед фарми” МЧЖга қарашли “Био дори” ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ҳам шу аслида.

— Корхонамизда ҳозирча қон таркибини яхшилаш ва иммунитетни оширишга ёрдам берадиган уч турдаги биомасулот ишлаб чиқаряпмиз, — дейди корхона раҳбари Мухаммадали Мамадалиев. — Улар кимёвий бирикмалардан ҳоли бўлиб, маҳаллий шароитда етиштирилган табиий маҳсулотлар маҳсули ҳисобланади. Бундан ташқари, тез кунда янги техник воситалар ўрнатилиши ҳам режалаштирилган. Натيجида яна 4 турдаги қўшимча озққ бирикмалари тайёрлашни йўлга қўямиз. Эътиборлиси, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркиби 27 турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларидан иборат бўлиб, улар профилактика мақсадида соғлом инсонларга ҳам тавсия этилади.

Саминжон ҲУСАНОВ
«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси атоқли давлат ва жамоат арбоби, меҳнат фахрийси Қаллибек Камаловга турмуш ўртоғи

Любовь Семёновна КАМАЛОВАНING
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Мурат Қалибекович Камаловга онаси

Любовь Семёновна КАМАЛОВАНING
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Мурат Қалибекович Камаловга волидаи мухтарамаси

Любовь Семёновна КАМАЛОВАНING
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 35 742 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тадбирнинг келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдлафланди.

Газетанинг полиграфик аҳдатдан сифатли чоп этилишини “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъскул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

ISSN 2010-0788

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойкуров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.00 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6